

Мавзу 2. Сув фонди, сув объектлари, сув хўжалиги иншоатлари ва сув фонди ерлари ва уларга бўлган мулк ҳуқуқи

Режа:

1. Сувга нисбатан давлат мулк ҳуқуқи, давлат сув фонди,
2. Сув объектлари, уларидан фойдаланиш;
3. Алоҳида фойдаланиладиган сув объектлари,
4. Биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари,
5. Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги сув объектлари,
6. Алоҳида давлат аҳамиятига эга сув объектлари,
7. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари,
8. Сув фонди ерлари ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи
9. Сув ресурслари, сув объектлари ва сув хўжалиги объектларига бўлган мулк ҳуқуқи.
10. Сув хўжалиги иншоотларига бўлган мулк ҳуқуқи.

МАВЗУ БҮЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- **Режа:**
- 1. Сув ҳуқуқи фанининг асосий тушунчалари, фаннинг мақсади, вазифалари, фанни ўрганиш методлари.
- 2. Сув билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар.
- 3. Сув қонунларининг асосий мақсад ва вазифалари.
- 4. Сув ҳуқуқи принциплари.
- 5. Сув тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар.
- 6. Сув ҳуқуқи фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
- 7. Сув ҳуқуқи тизими ва манбалари

Фойдаланиш учун адабиётлар

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) Т., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey “Water resources planning and management”, London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiysi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining “Suv va suvdan foydalanish to'g'risida”gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida”gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

- **Сувга давлат эгалиги:**
 - Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умуммиллий бойлиги ҳисобланади, ундан оқилона фойдаланилади, давлат томонидан қўриқланади ва сув манбалари ва йирик сув объектлари хусусийлаштирилмайди.
- **Давлат сув фонди:**
 - Ўзбекистон ҳудудидаги барча сувлар, сув объектлари ва сув фонди ерлари давлат сув фондини ташкил этади.
- **Сув объектлари.** Қуйидагилар сув ҳуқуқининг тартибга солиш соҳасига кирадиган сув объектлари тоифалари ҳисобланади:
- Ўзбекистон Республикасининг ер усти ва ер ости сув объектлари;
- Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва унинг ҳудудидан оқиб ўтадиган (сув оқимлари) трансчегараий ер усти ва ер ости сув объектлари.

Ер усти сув объектларига киради:

- сув оқимлари (дарёлар, сойлар, каналлар, коллекторлар, жилғалар ва вақтінча қуриб қоладыган сув оқимлари) туби ва қирғоқлари билан;
- музликлар, муз бетида әриган сув күлмаклари (снежники), ботқоқликлар;
- сув ҳавзалари (күллар, ҳовузлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари) туби (үзани) ва қирғоқлари билан;
- қуруқлик юзасида сув тұпланишининг сув режими чегаралари ва/ёки чизиқларига әга бўлган бошқа шакллари.
- **Қуйидагилар ер ости сув объектларига киради:**
- ер ости сувлари конлари (ҳавзалари) ва участкалари, бошқа сувли қатламлари (сувли горизонтлар) ва уларнинг ер қаъридаги ёки ер юзасидаги ёриб чиқиш зоналари;
- ер қаърида сув тұпланишининг сув режими чегаралари ва чизиқларига әга бўлган бошқа шакллари.

Трансчегаравий ер усти ва ер ости сув объектларига киради

- трансчегаравий сув оқимлари – дарёлар, каналлар, коллекторлар, жилғалар ва бошқа сув оқимлари;
- трансчегаравий сув ҳавзалари – күллар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари;
- трансчегаравий ер ости сув объектлари - ер ости сувлари конлари (ҳавзалари) ва участкалари, бошқа сувли қатламлар (сувли горизонтлар) ва уларнинг ер қаъридаги ёки ер юзасидаги трансчегаравий хусусиятга эга ёриб чиқиши зоналари;
- қув ва сув хўжалиги объектлари ҳамда уларнинг бошқа давлат ҳудудидаги Узбекистон Республикаси мулки ҳисобланган сувлари;
- трансчегаравий таъсир кўрсатадиган сув объектлари;
- ҳудудий ва ички сувлар, шу жумладан, чегарадаги сувлар;
- трансчегаравий сув ресурслари.

Сувдан фойдаланиш объектлари

- **Умумий фойдаланиладиган сув объектлари.** Ўзбекистон Республикасининг барча сув объектлари, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, умумий фойдаланиладиган сув объектлари (барча фойдалана оладиган) ҳисобланади.
- Ҳар бир фуқаро умумий фойдаланиладиган сув объектларидан, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, шахсий ҳамда майший эҳтиёжлари учун бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- **Алоҳида фойдаланиладиган сув объектлари.** Юридик ёки жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ёхуд қисман берилган сув объектлари алоҳида фойдаланиладиган сув объектлари ҳисобланади.
- **Биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари.** Юридик ёки жисмоний шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ёхуд қисман берилган сув объектлари биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари ҳисобланади.
- Биргаликда фойдаланиладиган сув объектларидан фойдаланадиган сувдан фойдаланувчилар ўзаро манфаатларни инобатга олиши, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни қийинлаштирмаслиги ва бир-бирига зарар етказмаслиги ҳамда мазкур кодексда белгиланган устуворликка амал қилишлари зарур.
- Барча сувдан фойдаланувчилар сув объектларидан ушбу Кодекс талабларига мувофиқ биргаликда фойдаланади.

Мұхофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги сув объектлари.

- Давлат қўриқхоналари, комплекс (ландшафт) заказниклар, табиий боғлар, давлат табиат ёдгорликлари, табиий объектлар ва комплексларни асраш, такрор кўпайтириш ҳамда қайта тиклаш ҳудудларидаги, мұхофаза этиладиган ландшафтлар, айrim табиий ресурсларни бошқариш ҳудудлари, давлат биосфера резерватлари, давлатлараро ҳамда мұхофаза этиладиган бошқа табиий ҳудудлардаги сув объектлари мұхофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги сув объектлари ҳисобланади.
- **Алоҳида давлат аҳамиятига эга сув объектлари.** Аҳоли, иқтисодиёт ва атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатадиган ҳамда фойдаланиш бўйича алоҳида ҳуқуқий режимни талаб қиласидиган сув объектлари алоҳида давлат аҳамиятига эга сув объектлари ҳисобланади.

Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари :

- . Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларига I, II ва III синф, шунингдек, фавқулодда вазиятларда юқори даражада хавф солувчи III синфдан паст бўлган гидротехника иншоотлари киради.
- Гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилиги билан белгиланади.
- Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади

Сув фонди ерлари.

- Сув фонди ерларига сув объектлари (дарёлар, күллар, сув омборлари ва бошқалар), гидротехника ва бошқа сув хўжалик иншоотлари эгаллаб турган ерлар;
- муассаса ва ташкилотларга сув хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган миңтақадаги ерлар киради.

Сув ва сув объектларига бўлган мулк хукуки

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектлари Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларида ёки халқаро давлатлараро шартномаларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатлар ҳудудидаги сув объектлари ва сув хўжалиги иншоотлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади.
- Алоҳида сув объектларига мулк хукуки бўйича муносабатлар фуқаролик қонунчилиги ва ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлса, сув тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.
- Дарёлар ўзанлари ва бошқа сув оқимларининг табиий ўзгариши ушбу сув объектларига давлатнинг мулк хукуки тұхтатилишига сабаб бўлмайди.
- Давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан сув объектларига бўлган мулк хукукини амалга оширади.

Сув хўжалиги иншоотларига бўлган мулк ҳуқуқи

- Сув хўжалиги иншоотлари давлат, шу жумладан, маъмурий-худудий тузилмалар (муниципал мулк), жамоавий (жамоавий корхоналар, жамоат ташкилотлари, уюшмалари ва бошқа бирлашмалар мулки) ёки хусусий мулк бўлиши мумкин.
- Сув хўжалиги иншоотларига бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади.
- Давлат сув хўжалиги обьектларини хусусий мулкка ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан амалга оширилади.
- Сув хўжалиги иншоотларига бўлган мулк ҳуқуқи ва улар бўйича амалга ошириладиган битимлар қонунчиликка мувофиқ давлат томонидан мажбурий рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

- . Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари қирғоқлари, шунингдек, ичимлик ва майший сув таъминоти, аҳолининг тиббий, маданий ва рекреацион эҳтиёжлари манбалари бўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари мазкур Кодекснинг 27-бобига мувофиқ белгиланади.
- Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи минтақалари ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан сувни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин.
- Сув фонди ерларида сув обьектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолиятини ва қурилиш ишларини олиб бориш тақиқланади.
- Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ушбу Кодекс, ер тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори асосида амалга оширилади.

- **сув хўжалиги фаолияти** – жисмоний ва юридик шахсларнинг сув ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолияти;
- **сув хўжалиги хизматлари** – сув етказиб берувчилар томонидан шартнома асосида сувдан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган сув олиш, сув ресурсларини тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш, уларни етказиб бериш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ хизматлар;
- **сувлар** – сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмui;
- **қайтариб ташланадиган сувлар** – сув объектларига ёки бирор жой рельефига тартибли равишда қайтариладиган ёки белгиланган тартибда қайта фойдаланиладиган оқова, ташлама ва коллектор-дренаж сувлари;
- **сувларнинг заарли таъсири** – муайян ҳудудлар, ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий инфратузилмага ер усти ва/ёки ер ости сувларининг ювиб кетиши, босиши, тошиши, вайрон қилиши, лойқа билан тўлдириши, ботқоқлаштириши, шўр бостириши ва бошқа заарли таъсир кўрсатиши;
- **сув фонди** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сув объектлари мажмui;
- **гидротехника иншоотлари** (сув хўжалиги иншоотлари) – тўғонлар, гидроэлектр станциялар бинолари, сув тўплаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда вайрон булишдан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар

- **гидрографик зона** – дарё ҳавзаси (трансчегаравий ёки кичик дарё) ёки суғориш тизимининг чегаралари сув айиргич чизиқлари билан белгиланган, барча сувлар битта чиқиш нуқтасига қараб оқадиган ва бирлашадиган ҳудуд;
- **сув ресурслари танқислиги** – табиий ва бошқа омиллар, ер усти сувларининг нотекис тақсимланиши, сув оқимининг йиллар ва мавсумлар бўйича вақтинча кескин ўзгариши, чегарадош давлатлардан оқиб келаётган сув улушкининг камайиши, сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш сабабли юзага келадиган, маълум вақт оралиғида сув ресурсларининг белгиланган меъёрларга нисбатан аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳит эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги;
- **дренаж сувлари** – суғориладиган ва захи қочириладиган ерлардан тупланган ва оқизилиб сув объектларига, шу жумладан аҳоли пунктлари ҳудудидан чиқариб ташланадиган ер ости сувлари;
- **сув тубидаги тупроқ** – сув тубини чуқурлаштириш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва сув объектларининг туви ҳамда қирғоқларининг ўзгариши, шунингдек, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ва бошқа ишларни амалга оширишда сув объектлари тубидан олинган тупроқ;

**ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ**